



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024
2/2-сон



МУНДАРИЖА:

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Соҳибназар Каримов Тасаввуф таълимотида тарбия хизмати масаласи	5
Diyor Haqberdievich Xolmamatov Ulgurji savdoni iqtisodiyotdagi o‘rni va ahamiyati bilan bog‘liq ilmiy-nazariy qarashlar	11
Shohida Kamoliddin qizi Jo‘raboyeva Eksport salohiyati tushunchasining konseptual asoslari	15
Rustam Nuridinovich Jiyamuratov Hududiy eksport salohiyatini oshirishga oid nazariy yondashuvlar	22
РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ	
Ziyobidin Shaminovich Suvonov Sun‘iy intellekt va uning imkoniyatlari	27
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Фарход Бахриддинович Ахроров Ўзбекистонда ер ресурсларини баҳолашнинг экологик-иқтисодий услубияти	31
Shexroza Madjitovna Karimova Qovoq – funksional oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarishda istiqbolli xomashyo	36
ТАДБИРКОРЛИК, МЕҲНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Феруза Асатовна Ишонкулова Необходимые условия для успешной деятельности предпринимательства в Республике Узбекистан	39
Rahmatillo Miralimovich Egamov, Rushona Sheraliyevna Husainova Hududiy iqtisodiyotning rivojlanishida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning o‘rni	45
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Сарвар Аюбовна Исхакова Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тadbirkorlikнинг салоҳиятидан фойдаланиш имкониятлари	49
Zoxid Sobirovich Axmedov Transport logistikasi xizmatlari samaradorligini oshirishda innovatsion jarayonlarning qo‘llanilishi	53
Обид Мамаюнович Пардаев Хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш ҳисобига маҳаллалар ободлигини таъминлаш масалалари	57
Фарход Анварович Сафаров Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг комплекс стратегик таҳлилини TOWS-матрицаси ёрдамида амалга ошириш имкониятлари	60
Orzujon Mamasoliyevich Rajabov Logistika xizmatlari samaradorligini oshirishda raqamli texnologiyalardan foydalanish	65
Bekzod Maxsudovich Abdumannonov Ekologik toza jamoat transportidan samarali foydalanish – avtomobillar tirbandligini bartaraf etishning kafolatidir	70

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Соҳибназар Каримов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, фалсафа фанлари доктори

ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИДА ТАРБИЯ ХИЗМАТИ МАСАЛАСИ

Аннотация: мазкур мақола тасаввуф таълимотидаги инсонни руҳий камолотининг асосий воситалари бўлган тил илми ва дил илмининг ажралмас жиҳатларини таҳлил қилишга бағишланган. Мутасаввиф мутафаккирларнинг тил илми ва дил илми ҳақидаги қарашлари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: тасаввуф, инсон, руҳий камолот, тил илми, дил илми, сир илми, руҳ илми, зикр, намоз, тариқат, пир, самоъ.

Кириш. Юксалиш босқичига кирган мамлакатимизнинг асосий мақсади халқ фаровонлигини янада юксалтириш ва шу тараққиётга хос ва мос бўлган ёш авлодни тарбиялашдан иборат. Зеро, тарбия соҳасида катта муваффақиятларга эришган бўлсак-да, кўлга киритилаётган муваффақиятларимиздан фахрланиш туйғусини шакллантириш, миллат дарди билан яшаш туйғусини барқарорлаштириш ва умуман ёшларимизда қалб поклиги туйғусини янада мустаҳкамлаш тарбия соҳасидаги муҳим вазифаларимиздан бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, фахрланиш туйғуси, миллат дарди билан яшаш туйғуси инсондан муфассал қалб поклигини талаб қилади. Бу эса, ўз-ўзидан пайдо бўладиган ва амалга ошадиган жараён эмас. Бу ҳодиса исломий ва дунёвий кадрларимиздан қай даражада фойдаланаётганимизга боғлиқдир. Айниқса, маънавий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган тасаввуф таълимотидан унумли фойдаланиш, яъни уни ўрганиш ва ҳаётга татбиқ қилиш тарбия соҳасидаги муваффақиятларимиз гаровидир. Зеро, биз орзу қилаётган қалби пок, миллат дарди билан яшаш туйғуси жўш урган ёшларимизни боболаримизнинг буюк меросидан баҳраманд қилиш давр талаби сифатида ўзини намоён қилмоқда. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ўзларининг муборак ҳадисларидан бирида айтганларидек, Уч хил қалбда ҳикмат бўлмас эмиш. 1. Ғами фақат ризқ топиш бўлган қалб. 2. Одамларга ҳасад қилувчи қалб. 3. Мансаб ва обрўйни севган қалб деган эканлар.

Тасаввуф тарихидан маълумки, барча йирик мутасаввиф мутафаккирлар илмни тил ва дил илмига ажратиб талқин қилишлари билан биргаликда, улар бир –бирини тўлдирувчи ва комиллик сари етакловчи асосий воситалар сифатида қараган. Тариқат намояндалари ҳар доим тилни ёмон сўзлардан, ҳақоротлардан эҳтиёт қилиш кераклигини уқтирган. Чунки улар одамларнинг юзлари билан дўзахга тушишларига сабаб тилларининг ёмонлигидандир, деган пайғамбаримизнинг ҳадисларига доимо амал қилган. Шу билан биргаликда тариқат намояндалари сўзни ўйлаб кам гапириш савобдир деган ғояга ҳам эътиқод қилган. Шу ўринда Ҳасан Басрийнинг “Кимнинг сўзи кўпайса, хатоси кўпаяди деган” ривоятларига суянганлар.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Қадимги Шарқ фалсафасининг вужудга келиши, ривожланишининг умумий қонуниятлари, унинг ўзига хослиги, бетакрорлиги, умумий жиҳатлари Шарқ фалсафаси тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган илк Ўрта аср фалсафасининг тадрижий ривожланиш хусусиятлари тадқиқ қилинди.

Мамлакатимизда буюк алломаларнинг илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни аждодларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. “Ёшлар дунёқарашини шакллантиришда, улар онгида табиат, жамият ривожланиши ҳақида тасаввур ҳосил қилишда Марказий Осиё мутафаккирлари томонидан яратилган илмий, фалсафий мерос битмас-туганмас бойлик хазинаси ҳисобланади. Ушбу хазинани бойитишда ҳадис ва Қуръони каримдан, буюк боболаримиздан: Абу Лайс Самарқандий, Шайх Нажмиддин Кубро, Яъқуб Чархий, Аҳмад Ибн Музаффар Розий, Муҳаммад Порсо ишларида кўрилган.

Аммо ушбу илмий ва маънавий меросни ўрганишда илмий ишлар ўрганилмаган ва бу муаммони ўрганишга эътиборнинг қаратилиши шу кун талабларидан келиб чиқади.

Тадқиқот методологияси. Қадимги Шарқ фалсафасининг вужудга келиши, ривожланишининг умумий қонуниятлари, унинг ўзига хослиги, бетакрорлиги, умумий жиҳатларини ўрганиш ва амалда қўллаш, Шарқ фалсафаси тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган илк Ўрта аср фалсафасининг тадрижий ривожланиш хусусиятларини тадқиқ қилиш. Бу вазибаларни амалга оширишда, аввало буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини илмий тадқиқ қилиш ва ёшлар онгига сингдириш бугунги замонавий дунёда янада аҳамиятлидир, илм-фан ва фалсафанинг ривожланиб боришида ундан мақсадли фойдаланиш имконини беради. Ҳинд, Марказий Осиё, Эрон, Бобил, Миср, Юнон ва Рим фани ҳамда маданиятининг ўзаро аралашishi ва бир-бирига сингиб бориши билан бирга, ҳеч қандай истисносиз барча илғор олимлар антик давр тафаккурининг у ёки бу фан соҳасида эришган энг юксак поғонасига асосланади ва уни янада юқори кўтаришга ҳаракат қилади.

Таҳлил ва натижалар. Тасаввуф тарихидан маълумки, барча йирик мутасаввиф мутафаккирлар илмни тил ва дил илмига ажратиб талқин қилишлари билан биргаликда, улар бир-бирини тўлдирувчи ва комиллик сари етакловчи асосий воситалар сифатида қараганлар.

Тасаввуф таълимотида ҳар бир солиҳ ва солиҳа ўз тилига подшоҳ бўлишлиги ҳақида уқтирилади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ривоят қилишича, “Ким тилига подшоҳ бўлса, Аллоҳ унинг уят ишларини беркитади” дейилади.¹

Тариқат намояндалари тилни эҳтиёт қилмаслик фалокат воситасига айланишини уқтирганлар: йигит тилининг тойилишидан ўлади, оёғининг хатосидан эмас. Тили билан бўлган хатоси уни боши билан улоқтиради. Оёғи билан бўлган хатоси аста-секин тузалади.²

Абу Лайс Самарқандий ўзининг “Танбеҳул Ғофилин” асарида шундай ёзади: Қатода (р.а.) ривоят қилди: Пайғамбар (с.а.в.) айтдилар: “Тўрт нарса кимга берилган бўлса, дунё ва охираат яхшилиги берилибди: зикр қилувчи тил, шукур этувчи қалб, сабрли бадан ва мўмина солиҳа хотин”.³

Тасаввуф аҳли тил илми солиқнинг зоҳири ва ботинини боғловчи зикр воситаси сифатида қараганлар. Зикр тасаввуфда дил, фикр ва туйғуни Аллоҳга йўналтириб, У билан бевосита ришта боғлаш, исмларини зикр қилиш орқали Унинг чексиз қудрати, буюк гўзаллигини идрок этишни билдиради. Ҳатто, зикрни орифнинг таоми деб ҳам таъкидланади. Аллоҳнинг номлари зикр қилинаверса, охири Аллоҳ зокир, яъни сўфийнинг ўзини зикр этади. Солиқ зикр асносида шуни ҳис қилади, мушоҳада этади.

Зикр фақат Аллоҳни ёд айлаш, унинг гўзал исмларини эслаш эмас, балки дил, фикр ва туйғуни Аллоҳга йўналтиришдир. Зикрнинг хусусияти ҳақида Нажмиддин Кубро ҳам ўзининг “Тасаввуфий ҳаёт” асарида таъкидлаганларидек, “Зикрнинг сени қандоқ зикр этаётганингни кўриш учун зикр этма. Чунки у зокир эмас, мазкурдир. Инсон мудом Ҳақ мазкури эрур. Аммо Аллоҳ билан ўзи орасидаги қоронғуликлар ва кашф пардалари монъелик қилганлиги боис, у буни эшитиб, ҳис қилишдан мосиводир”.⁴

Устоз шайх, мутасаввиф назарида шогирд зикрни равон ва тушунарли тил билан баён қилиши зарур. Ҳеч бир зикр қоидаси тил орқали бузилмаслиги зарур. Шунинг учун ҳам Нажмиддин Кубро ҳам, Яъқуб Чархий ҳам ҳар қандай ибодатдан мақсад зикрдир. Зикр жон бўлса, ибодат қалбдир. Ҳар қандай ибодатда ҳам Унинг ҳазратидан ғофил бўлса, чандон фойда бермас” деб ёзадилар.⁵

Ҳазрати Алишер Навоий ҳам ўзининг “Насойим ул-муҳаббат” асарида комил инсонни илоҳий ва башарий сифатлари ҳақида гапира туриб, комилликнинг еттинчи

¹Абу Лайс Самарқандий. “Танбеҳул Ғофилин”. 388-бет.

²Абу Лайс Самарқандий. “Танбеҳул Ғофилин”. 192-бет.

³Абу Лайс Самарқандий. “Танбеҳул Ғофилин”. 380-бет.

⁴Шайх Нажмиддин Кубро. “Тасаввуфий ҳаёт”. 169-бет.

⁵Шайх Нажмиддин Кубро. “Тасаввуфий ҳаёт”. 170-бет. Яъқуб Чархий. Рисолаи унсия. –Б. 13.

шарти сифатида “чучук тилли бўлиш”¹ шартини ҳам таъкидлаб ўтган эди. Юқорида таъкидлаганимиздек, Алишер Навоий тасаввуфда пантеистик йўналишнинг йирик вакили сифатида тил илмининг зикр жараёнидаги ролига жуда юқори баҳо берган. Тил дилнинг изхори сифатида талқин қилинади.

Тасаввуфий билиш жараёни ҳам рационал ва иррационал билим тана ва руҳ каби ажралмас ва бир - бирини билиш жараёнида тўлдириб боради. Шунинг учун ҳам тасаввуфни илм ҳақида гапирилганда бирламчи билим “куллий” билим бўлиб у инсон рухиятидаги ижодкорлик кучини англатади. Иккиламчи илм “тил илми” бўлиб, у Одам болалари устида Аллоҳнинг ҳужжатиدير”. Умидимиз борки, сенга илми ботиндан бир насиба этсин. “Ва яна айтдиларки, “Ҳадисда” Аҳли сидқ билан ўтирсангизлар, садоқатли бўлиб ўтирингларки, улар қалбларнинг жосусидирлар. Қалбларингизга кирадилар ва ҳимматларингизга назар қиладилар”².

Мутасаввифлар тариқат илмида тилнинг ўрни ниҳоятда улуғ эканлигини таъкидлаб келганлар. Абу Лайс Самарқандий юқорида зикр этилган асарида шундай ёзади: Ҳакимларнинг баъзилари айтдилар:” Инсон жасади уч бўлакдир; бир бўлаги –қалби, иккинчиси-тили, учинчиси-аъзолари. Аллоҳ таоло ҳар бир бўлакни каромат билан икром қилди. Қалбини ўзини таниш ва тавҳид билан икром қилди. Тилини “Ла илаҳа иллоллоҳ” ва китоб тиловат қилиш билан икром қилди. Аъзоларини намоз, рўза ва бошқа таотлар билан икром қилди. Ҳар бирига кузатувчи ва сақловчини вакил қилиб қўйди. Қалбини сақлашга Аллоҳ ўзи эга бўлди. Унинг ичида нима борлигини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Тилига фаришталарни вакил қилди. Аллоҳ таоло айтди: “У бирон сўзни талаффуз қилмас, агар талаффуз қилса, унинг олдида ҳозир нозир бўлган бир кузатувчи фаришта у сўзни ёзиб олура”³. Аъзоларга буйруқ ва қайтаришни бошқарувчи қилиб қўйди. Кейин ҳар бўлакка вафо қилишни хоҳлади. Қалбнинг вафоси –иймонда собит бўлмоқ ва ҳасад, хиёнат ва макр-хийла қилмаслиги, тилнинг вафоси ғийбат қилмаслиги, аъзоларнинг вафоси Аллоҳга гуноҳ қилмаслиги ва мусулмонлардан ҳеч кимга азият бермаслигидир. Ким қалбдан кетса, мунофиқ, тилдан кетса, кофир, аъзолардан кетса осий бўлади.”⁴

Тил илми тасаввуф таълимотида комил инсонни тарбиялашнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Чунки тил инсонни ҳайвонот олаmidан жудо қилган бўлса, кейинчалик у инсонни ўзини англаши орқали Аллоҳни англашга кенг йўл очиб берди. Чунки тил тасаввуф таълимотида тафаккурни ифодалаш воситаси сифатида қаралади. Шу билан биргаликда тил ва дил ажралмас, бир-бирисиз мавжуд бўлмаган ҳодисалар сифатида талқин қилинади.

Зикр Аллоҳни ёдлаш, тасаввуфда Аллоҳни тилга олиш ва бутун фикру таважжуҳини Унга қаратишга зикр деб айтилади. Зикрни аҳли тасаввуф Ҳаққа этишмоқчи бўлган кишини руҳий камолотида фикрий қувватларини бошқариш, нафсни таҳлил этиш, тафаккурни камолот даражасига юксалтиришда энг яхши йўллардан деб биладилар. Бу амал Куръони Каримнинг Бақара сурасида Аллоҳнинг “Мени ёд қил, Мен ҳам сизни ёд қилурман, деган оятига асосланиб бажарилади. Тасаввуф аҳли зикр этишни уч даражада биладилар: биринчи, тил зикри-кўпчиликка тааллуқли бўлиб, омманинг зикридир. Бу даражадан ўтиб, юксала бошлаган киши ғафлат майдонидан чиқиб, мушоҳада майдонига парвоз эта бошлайди. Иккинчи, ихлос кишиларнинг зикри-қалб зикри бу даражада зокирнинг қалб кўзи очила бошлайди. У ақл доирасини кесиб ўтади ва Аллоҳни қалбида ёд, балки идрок этади. Учунчиси, махсус зикр-бу даражада зокир фано ҳолатига етади бу тариқатда энг сўнгги олий зикр ҳисобланади. Чунки тариқатда фано топмоқ ишнинг интиҳосидир.

Хожа Муҳаммад Порсо ўзининг “Рисолаи кудсия” асарида солихларга зикр айтишни ўргатиш яъни “Талқини зикр” масаласини кўтарган. Унинг фикрича, “талқини зикр”

¹С.Каримов. Инсон қалбини покловчи таълимот. Монография. 141-бет.

²Яъқуб Чархий. Рисолаи унсия. –Б. 6.

³Коф сураси. 18-оят.

⁴Абу Лайс Самарқандий. “Танбеҳул Ғофилин”. 193-бет.

биронинг кўлига чакмоқтош бериш билан баробардир, рўшнолик ҳосил қилиш уни амалда ишга солиш толибга боғлиқ. “Талқини зикр”ни комил муқаммал пиридан таълим олиш керак. То таъсири билинсин ва натижаси ҳосил бўлсин. Ўқни султон ўқдонидан олмоқ керак, токи ҳимоя қилишга арзисин. Биз “талқини зикр”ни бузруквор шайх Хожа Муҳаммад Бобои Самосийдан олганмиз” деб ёзганлар.¹

Яъқуб Чархий илм аҳлининг зикрга бўлган муносабати ҳақида қуйидаги фикрни келтиради: “Олимнинг уйқуси ҳам ибодатдир”² дейилгани уйқуга ишоратдир. Яъни, уйқуга кетгунича зикрга машғур бўлсин, уйқудан бедор бўлса, яна уйқуга кетгунча зикрга машғул бўлсин. Демак, инсон жисми уйқуга кетса ҳам унинг руҳи, ботини, қалби, зикрда бўлиши, асл билан боғланишда эканлиги назарга олинмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, зикр ирфоний билиш жараёнида муҳим хусусиятга эга бўлиб, қуйидаги тамойилга асосланади: намоз танани, кундалик вирд (вазифа)ларни бошқариш учун, зикр қалбни, фикр (тафаккур) онгни тозалаш учун, амал фано даражасига етиш учундир. Инсон бу тамойилни амалиётга қўллаш орқали камолотга эришади.³ Бизнинг назаримизда тасаввуфда тил илми зикр, фикр ва қалбни бирлаштирувчи восита бўлиб майдонга чиқади.

Буюк мутасаввиф мутафаккир Жалолиддин Румий фалсафасининг Инсон концепциясида ҳам тил илми масаласи марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки Жалолиддин Румий инсоннинг тил ва қалбини бирлаштирувчи теургия масаласини юқори даражада матҳ этади. Чунки теургия инсон вужудининг унинг руҳи билан бирлашиб кетишига ёрдам берувчи ижодий ҳаракатдир, деб талқин қилинади.

Тасаввуф таълимотида тил илмининг намоён бўлишида намоз ва рўза назарда тутилади. Буюк шайх Яъқуб Чархий таъкидларганларидек: “Бу намозни нафъи хавотир билан, яъни фикрни тозалаб, зоҳиру ботини билан таважжуҳ қилган ҳолда ўқисин”.⁴

Кўриниб турибдики, тасаввуф таълимотида зикр хоҳ жаҳрий бўладими, хоҳ ботиний, барибир зикр тил орқали дилга дўнади. Шунинг учун инсон дили ва тилида Аллоҳни зикр этаркан, шу онда Яратувчи ҳамда яратилмиш ўртасида инсон онги идрок эта олмайдиган, фақатгина қалбан ҳис қилиш мумкин бўлган руҳий кечинмалар унинг шуурида рўй беради,⁵ деб ёзади Баҳовуддин Валад.

Яъқуб Чархий таъкидлаганидек: “бизнинг хожамиз бу намозни ўқиганда барча аркон ва азкорга ўзини машғул қилган ҳолда, таважжуҳ билан ўқиш лозим дейдилар. Булар мубтадийлар-тариқатга кирувчилар учундир”.⁶

Кўриниб турибдики, мутасаввифлар Аллоҳни зикр қилиш равон тил орқали дилга кўчиш керак. Айниқса, бу тариқатга киришга бел боғлаган солиқлар учун жуда муҳимдир.

Ислом тарихидан маълумки, бадавий араблар икки лаҳжада жанубий ва шимолий лаҳжаларда сўзлашганлар ва ижод қилиб ўз адабий маданиятларини ривожлантирганлар. Лекин вақт ўтиш билан жанубий лаҳжа йўқолиб, шимолий лаҳжа асосий муомала воситаси бўлиб қолган ва ана шу шимолий лаҳжа Қуръон тили сифатида қабул қилинган.

Қуръони Карим 650 йилда халифа Усмон даврида ёзиб охирига етказилди. Лекин, Қуръони Каримнинг ўқиши борасида турли хил ихтилофлар пайдо бўлган. Бу ихтилофларни бартараф қилиш учун Қуръони Каримни ўқиш услуги бўйича ҳайъат тузилган. Ҳайъат олти кишидан иборат бўлиб, Зайд ибн Собит бошчилигида тузилади ва унинг аъзолари этиб Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саид ибн Ос, Ибн Аббос, Анас ибн Моликлар ҳайъат аъзолари этиб тайинланади. Ҳайъат йиғилишида Қуръони Каримни беҳато, равон, тушунарли тилда ўқиш шарт эканлиги уқтирилади ва ҳозирги амалдаги мутолаа услуги қабул қилинади. Шу билан биргаликда зикр масаласида ҳам жуда муҳим қарорлар қабул

¹Порсо. Рисолаи қудсия. 129-бет.

²Яъқуби Чархий. Рисалаи унсия. 12-бет.

³Эркин Зоиров. Яъқуби Чархийнинг тасаввуфий ирфоний қарашлари. “Дурдона” нашриёти. Бухоро. 2023 йил 91-бет.

⁴Яъқуб Чархий. Рисолаи унсия. –Б. 13.

⁵Бердияев. Н. Опыт парадоксальной этики. –М: Аст.2003.-стр.69.

⁶Ўша жой. – Б.9.

қилинади. Чунки, зикр Аллоҳни ёд айлаш, унинг исмларини тил ва дилда уйғун ҳолатда равон баён қилиш воситаси сифатида улуғланади.

Аҳмад Ибн Музаффар Розий ҳам “Латоифу-л-Қуръон” асарида Қуръони Каримда йигирма олтита ўринда намозни баркамол ўқиш ҳақида буюрилганлигини таъкидлайди ва намозни баркамол ўқингиз ва закот берингиз деб даъват қилинганлигини таъкидлайди.¹

Мустамлий Бухорийнинг таърифига кўра, зикр икки турга: тил зикри ва сир зикрига бўлинади. Унинг назарида тил зикри зикрнинг биринчи ва бошланғич босқичи бўлиб, шариат ҳукмида бўлади ва намоз, рўза каби ҳар замонда амалга ошади. Сир зикри эса зикрнинг охириги босқичи бўлиб, ҳақиқат ҳукмида бўлади. Мутасаввифнинг таърифига кўра, тил зикри Аллоҳ йўлидан бораётган мурид ёки толибнинг ишидир, сир ёки қалб зикри эса Аллоҳга етишган муриднинг қиёфасидир. Яъни Уни сирда кўраётган сўфийнинг мақомидир. Тил илми тариқатнинг кўпроқ жаҳрия йўналиши намояндалари учун жуда ҳам зарур бўлган. Зикр жамоат ҳолидаги яъни самоъ ҳолидаги зикр ҳамда ўз тил, қалб ва сир зикри деб аталадиган яқка зикр турларига ҳам бўлинади. Зикр турли тариқатларда турлича кўриниш касб этган. Масалан: мавлавия тариқатида жаҳрий ошқора зикрнинг самоъ, ойин ва ҳазрат деган турлардан иборат бўлган.

Тасаввуфшунос турк олими Усмон Турар ўзининг “Тасаввуф тарихи” асарида таъкидлаганидек, жаҳрий зикр қилувчи тариқатларнинг силсилалари асосан Ҳазрати Алига бориб тақалади. Чунки жаҳрияни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳазрати Алини тиз чўктириб, кўзларини юмдирган ҳолда уч марта “Ла илаҳа иллоллоҳ”, деганлар. Шу жумладан Ҳазрати Алига ҳам уч марта такрорлаттирганлар. Шу тариқа жаҳрия шиалар зикрига айланган.²

Нақшбандийликда эса ошқора зикр, хуфий-яширинча зикр, абадий санокли зикр ва қалб зикри мавжуд бўлган. Улар ўзларини тасаввуф аҳли эканликларини сир сақлаганлар ва ҳеч кимни воқиф қилмаганлар. Чунки нақшбандия тариқатига мансуб солиқлар рижкорликдан йироқ бўлганлар ва ҳатто кароматларини ҳам ошқор қилмаганлар. Улар фақат халқ манфаати ислом равнақи учунгина каромат кўрсатганлар. Баҳоуддин Нақшбанд зикри жаҳрийни бекор қилган ва зикр хуфий кенг қўллаб-қувватланган.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, мутасаввифлар тил илмининг намоён бўлишининг иккинчи воситаси зикрдир деб ҳам талқин қилганлар. Бунинг маъноси зикр –сўзлаш, баён қилиш, ёд олиш, хотирадагини унутмаслик маъноларини англатадиган арабча калимадир. Тасаввуфда бу калима ғафлат ва нисён –эсан чиқаришнинг зидди ўрнида талқин этилган. Зикр тасаввуф таълимотида барча қоида ва усул ҳамда одобларнинг бошидир. Буюк шайхлар зикрни шайтонга қарши энг улуғ яроғдир, деб башорат қилганлар. Зикр қалбдан ғам, қайғу ва ғуссаларни ҳайдаб, дилга қувонч, фараҳ ва кенглик бағишлар; тафаккур маърифатнинг юксалишини таъминлайди, ҳар қандай ёмонликнинг иллизини қуритади, хато ва гуноҳларнинг олдини олади.

Муҳаммад Порсо зикрнинг турлари ҳақида ҳам тўхталиб, қуйидагича ёзади: “Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг бандани зикр қилиши “Сизларни ҳам зикр қиламан” ояти ва унга зикрнинг барча мартабаларида, яъни тил зикри, дил зикри, руҳ зикри, сир зикри ва хуфия зикрларда тавфиқ бериб ёдлаганидир.”³

Тил илми инсон қалбининг эгаси бўлган Аллоҳни инсон қандай тил билан қандай зикр қила олишини ифодалайди. Аслида тил ўз хусусияти билан Аллоҳни тўлалигича ифодалай олмайди. Шунда дил унинг ижроси бўлиб хизмат қилади. Ана шунда номутаносиб ҳаракатлар оғушида инсон дили муносабат қилишга чоғланади ва “дил ба ёр” илтижоси содир бўлади ва орадаги номутаносибликка барҳам беради. Шунинг учун нақшбандийликда дил билан қилдинадиган муносабат энг олий муносабат сифатида улуғланади.

¹Аҳмад Ибн Музаффар Розий ҳам “Латоифу-л-Қуръон”. Қуръони каримдаги нозик иборалар. Тошкент. “Zilol buloq” нашриёти. 2022. 179-бет.

²Усмон Турар. “Тасаввуф тарихи”. 43-бет.

³Муҳаммад Порсо. Рисолаи қудсия. –Т.: Мовароуннаҳр. 2020. 35-бет.

Абу Лайс Самарқандий юқорида зикр этилган китобида Ҳазрати Довуд (а.с)нинг дуоларидан бири ҳам шундай бўлганлигини келтиради: “Эй, Парвардигор, мен Сендан тўрт нарсани сўрайман ва тўрт нарсадан паноҳ тилайман. Сўрайдиганларим: зикр қилувчи тил, шукур қилувчи қалб, сабрли бадан ва дунё охиратимда ёрдам берадиган солиҳа хотин. Аммо менга хўжайинлик қиладиган фарзанддан, сочим оқаришни бошламасдан оқ тушурадиган хотиндан, менга азоб берадиган молдан ва менинг яхшилигимни яширадиган ёмонлигимни ошкор қиладиган қўшнидан паноҳ тилайман”.¹

Имом Ғаззолий ўзининг “Ихё улум–ад-дин” асарида таъкидлаганларидек, “фойдали бўладиган зикр- авомли ва қалб ҳузури ила бўладиган зикрдир. Зикрнинг ниҳоясида эса унс ва муҳаббат туғулур. Киши зикр этилажак Аллоҳ ила унсият пайдо этиб, кўнглида Аллоҳ муҳаббати ҳосил бўлгунга қадар бир оз захмат чекар. Сўнгра эса Аллоҳни хотирламаса тура олмайдиган ҳолга келар”.²

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб шуни айтмоқчимизки, бугунги кунда тарбия соҳасидаги энг муҳим жабҳа қалб тарбияси масаласидир. Ёшларимизда рухий тетиклик, қалб поклиги, муваффақиятларимиздан фахрланиш, миллат дарди билан яшаш туйғусини такомиллаштириш ва барқарорлаштиришда тасаввуф илмини ва меросини ёшларимизга тўлиқ асл манбалар асосида баён қилишимизни ва етказишимиз керак, деб ҳисоблаймиз. Шу ўринда биз мақоламизда ёритган инсон камолотининг асосий мезони бўлган тил илми ва дил илмининг чамбарчас боғлиқ бўлишига эришишдан иборат. Биз айтмоқчимизки, тасаввуф маънавияти, тасаввуф фалсафаси ва тасаввуф таълимоти соҳаларини фан сифатида ўқув жараёнига киритишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Абу Лайс Самарқандий. “Танбеҳул Ғофилин”. “Шарқ”, 592-бет.
- 2.Аҳмад Ибн Музаффар Розий ҳам “Латоифу-л-Қуръон”. Қуръони каримдаги нозик иборалар. Тошкент. “Zilol buloq” нашриёти. 2022. 179-бет.
- 3.Бердияев. Н. Опыт парадоксальной этики. –М: Аст.2003.-стр.69.
- 4.Яъқуб Чархий. Рисолаи унсия.ЎзРФА ШИ хазинаси, инн. №5825. –Б.
- 5.Муҳаммад Порсо. Рисолаи қудсия. –Т.: Мовароуннаҳр. 2020. 35-бет.
- 6.Имом Ғаззолий. Ихё улм –ад-дин. “Янги аср авлоди”. Тошкент 2004.54-бет.
- 7.С.Каримов. Инсон қалбини покловчи таълимот. Монография. 2023 .141-бет.
- 8.Усмон Турар. “Тасаввуф тарихи”. –Т.: Истиклол, 1999. 43-бет.
- 9.Шайх Нажмиддин Кубро .“Тасаввуфий ҳаёт”. “Мавароуннаҳр”. Тошкент, 2004.169-бет.
- 10.Қуръони Карим. “Қоф сураси”. 18-оят
- 11.Эркин Зоиров. Яъқуби Чархийнинг тасаввуфий ирфоний қарашлари. “Дурдона” нашриёти. Бухоро. 2023 йил. - 91-бет.

С.Каримов	S.Karimov
Вопрос о роли воспитания в учении о суфизме	The question of the role of education in the teaching of Sufism
Аннотация: данная статья посвящена анализу неотъемлемых аспектов науки о языке и науки о душе, которые являются главным средством духовного совершенствования человека в суфизме. Рассматриваются взгляды мыслителей-лейстиков на науку о языке и науку о душе.	Abstract: this article is devoted to the analysis of the integral aspects of the science of language and the science of soul, which are the main means of spiritual perfection of a person in Sufism. The views of mystic thinkers about the science of language and the science of the soul are discussed.
Ключевые слова: суфизм, человек, духовная зрелость, наука о языке, наука о сердце, тайна, наука о душе, зикр, молитва, тарикат, учитель, рай.	Keywords: mysticism, human, spiritual perfection, language science, heart science, mystery science, soul science, dhikr, prayer, tariqat, pir, heaven.

¹Абу Лайс Самарқандий. “Танбеҳул Ғофилин”. 381-бет.

²Имом Ғаззолий. Ихё улм –ад-дин. 54-бет.

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

27.05.2024 йилда теришга берилди. 14.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.